

ЁШЛАР ЎРТАСИДА ЖИНОЯТЧИЛИК ВА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ТАЪСИРЧАН МЕХАНИЗМЛАРИ

Ғаппарова Севара Хикматулла қизи

Қорақалпоқ давлат университети талабаси

e-mail: sevaragapporova@gmail.com

Хозири даврда энг кенг тарқалган ҳуқуқбузарликларнинг ёшлар орасида содир этилиши энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик, жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган профилактик ишларни тизимли ташкил этиш, турли зарарли оқимлар таъсирига тушиб қолишдан асраш, ёшларни Ватанга мухаббат руҳида тарбиялаш, бўш вақтларини мазмунли ўтказишини таъминлашга қаратилган муҳим вазифаларни бажариш бўйича турли чора-тадбирлар шунингдек, қасддан одам ўлдириш ёки тан жароҳати етказиш, мол-мулкка тажовуз қилиш, фирибгарлик каби жиноятларни ҳамда аёллар, ёшлар, вояга етмаганлар ўртасида содир этилаётган жиноятларни кескин камайтириш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш борасида амалга оширилаётган муҳим ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳар бир ёш авлоднинг униб ўсиши ва камол топишида унинг оиласи, маҳалласи, ўқиш ва иш жойи муҳим аҳамиятга эга. Бу муҳим қондани инобатга олган ҳолда ёшлар ва вояга етмаганлар ўртасида содир этилаётган жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш бўйича қуйидаги механизмларни ҳавола этамиз.

Т/р	Амалга ошириш механизмлари	муддатлари	Ижроси учун масъуллар
1.	Жиноятларни ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш мақсадида жиноят содир этилган ҳамда ушбу жиноятни содир этган ёшлар, вояга етмаганлар истиқомат қилган маҳаллаларда жиноят (ҳуқуқбузарлик)ни содир этган, илгари судланган ва жиноят содир этишга мойил бўлган ёшлар, вояга етмаганлар ва уларнинг ота-оналари ҳамда кенг жамоатчилик ўртасида, маҳалла раислари, масъул раҳбарлар ўртасида жиноятларни муҳокама қилиш;	Доимий равишда	Ички Ишлар Вазирлиги
2.	Ҳар бир маҳалла миқёсида жиноятчиликни ўзганишда, энг аввало қайси ҳудуд, кўчаларда жиноят ўчоқларини аниқлаб уларни алоҳида ажратган ҳолда у билан шуғулланиш.		
3.	Маҳалла раиси, уқув даргоҳлари раҳбарларининг ҳар куни бир соат вақтини жиноятчиликни олдини олишга йўналтириш.		

4.	Безорилик жиноятлари асосан вояга етмаган ва ёшлар томонидан содир этилишини инobatга олган ҳолда, жамоат жойларида, кўчалар ва бошқа жойларда бемақсад юрган ёшлар гуруҳи ва вояга етмаганлар билан ўша жойни ўзида профилактик чораларни кучайтириш;	Доимий равишда	Ички Ишлар Вазирлиги
5.	Махаллада ҳеч қаерда ишламайдиган ёки ўқимайдиган, илгари қандайдир ҳуқуқбузарлик содир этган ёшлар ва вояга етмаганларни аниқлаб, улар билан яқка тартибда тегишли профилактик суҳбат ўтказиб, келгусида бу каби жиноятлар ёки ҳуқуқбузарликлар содир этилишини олдини олишга доир чора-тадбирлар ўтказиш;		
6.	Безорилик жиноятларининг асосан ёшлар ва вояга етмаган талабалар ўртасида совуқ қуролдан фойдаланган ҳолда содир этиш ҳолатларини олдини олиш бўйича доимий тадбирлар ўтказиб бориш		

Ёшлар ва вояга етмаганлар ўртасида содир этилаётган жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда интернет бутунжаҳон ахборот тармоғи имкониятларидан кенг фойдаланиш, содир этилган ҳуқуқбузарликлар ва уларни бартараф этиш жараёни бўйича амалий тадбирлар (таклифлар).

Т/р	Амалий тадбирлар (таклифлар)	муддатлар
1.	Содир этилган оғир ёки ўта оғир турдаги жиноятларни оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар орқали тарғибот қилиш орқали келгусида содир этилишини олдини олиш;	Ҳар ойда доимий равишда
2.	“Жиноят ўчоқ”лари, аҳоли гавжум жойларга, кўчалар, даромади юқори аҳоли қатлами яшовчи ҳудудларга видеокузатув мосламаларини ўрнатиш ва таъқиб қилиш пунктига улаш;	
3.	Ёшларнинг ва вояга етмаганларнинг асосан ижтимоий тармоқларда кўп вақтини ўтказиши ва бунинг натижасида ҳар хил диний оқимларга кириб қолиши ва шунинг билан қўплаб салбий ҳолатларни инobatга олган ҳолда инсоннинг қўл телефонлари, компьютер ва бошқа ашё ва қўл қўлларни назоратга олиш (текшириш)	

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:

1. <http://lex.uz//docs/111453> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси.

2. “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 18.01.2021 йилдаги 23-сон қарори,